

риши таъминланаётганлиги туфайли корхонанинг иқтисодий қуввати юксалиб, меҳнат жамоасининг турмуш фаровонлиги ортиб бормокда. Бу ерда ишлаётган 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг ўртача маоши 20-25 минг сўмни ташкил қилаётган.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

12-МОДДА. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақлидоқи, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир. Эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади. Турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Эркин фикрлаш чекланган жойда қўлчан инсон ўз фикрини, хоҳиш-истакларини ошқор баён қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолларда одатда ягона мафкура ҳукмронлик қилади. Масалан, собиқ тоталитар тўзумнинг етмиш йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкуранинг яхшахоқимлиги ўрнатилган эди.

Биз мафкура ҳақида сўз юртар эканмиз, унинг моҳияти нима эканлигини ҳам қисқача билиб олишимиз зарур. Мафкура бу маълум тизимга солинган гоялар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунги кунига ва келажаққа қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини мустақил ва эркин белгилаб олди. Эндликда мустақил давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини яратиш асосий вазифа бўлиб қолган. Бизга эски, зўравонлик билан ўрнатилган коммунистик мафкура мутлақо тўғри келмай, миллатимизни бирлаштирадиган, жиқлаштирадиган мафкура зарурлиги яққол сезилиб қолди. Бир сўз билан айтган-

да, миллий мафкурамизни яратиш долзарб масалага айланди. Бу йўлда қўйилган даража қадам тарихимизда биринчи марта Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланган меъёр бўлди. Унда илк бор Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиш белгиланди. Демак, битта мафкуранинг, битта дунёқарашнинг яхшахоқимлигидан қатъиян воз кечилди.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтказилган тўртта сиёсий партия мавжуд. Булар Ўзбекистон халқ демократик, «Адолат», «Миллий тикланиш», «Фидокорлар» миллий демократик партияларидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда сиёсий партиялардан ташқари мингдан зиёд жамоат бирлашмалари ҳам мавжуд. Ана шу барча ижтимоий-сиёсий кучлар бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1995 йил 27 май кунини Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ташкил топди. Бу ҳаракатнинг бош мақсади — Ватанни гуллаб-яшнашдан иборат, деб белгиланди.

Давлатимиз мавжуд барча сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилади, уларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин, ҳеч қайси партияга алоҳида имтиёз бермайди. Сиёсий партияларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқлиги кафолатланади. Конституциянинг 12-моддасида яна шу нарса алоҳида қайд этилганки, ҳеч қайси маф-



кура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Худди шу ҳақда Юртбошимиз бундай деб таъкидлаган эди: «Айни вақтда яхшахоқимликка интилишга ва бир мафкура имтиёзга бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинлигига ва маънавиятига таҳовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим».

Конституциянинг 12-моддасида белгиланган меъёр олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўйди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг қадимий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажаққа ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини тарғиб қилиши лозим. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, оруз-умидлари ўз ифодасини топтоғи, фуқароларимизни улук мақсад йўлида бирлаштиришга қўллашчи лозим.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошқент давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси.

ДЕҲҚОН ҲУЗУРИДА...

Аслида ҳамма фаслда ҳам деҳқонни бе-кор учратмайсуз лекин шундай паллалар бўладики, миришкорлар унинг бир кунини йилга менгзайдилар. Айни кунларда вилоятимиз пахтакорлари учун ана шундай кезлар... Улар бугун қузда яратилажак мўл ҳосил учун пухта замин яратмоқдалар.

Бундай пайтда деҳқоннинг даласига ташриф буюрсангиз, бахри-дилигиз очилиб кетади. Чунки, бугунги деҳқоннинг ўй-фикри бошқа. Аста-секинлик билан бўлсада, у янгича меҳнат қилишни ўрганмоқда. Одамлар дилида босиб ўтилган йўллардан фахр ва ифтихор туйғуларини ўқасиз. Мамлакатимизда тарихан қисқа даврда амалга оширилган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи — ижро-каси бўлган дала меҳнат-кашлари янада яхшироқ яшаш ва меҳнат қилиш учун

ний-маърифий кечалар бўлиб ўтмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими, «Тошкент ҳақиқати» газетаси тахририяти ҳамда Юқори-чириқ тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида тумандаги Аҳмад Яссавий номли ширкат ҳўжалигининг 11-бригадаси дала шийпониди деҳқонлар билан бўлиб ўтган мулоқот ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

16 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқ мустақиллигимизнинг ўн

фаровонлик, кенг қўламдаги қурилишларнинг асосини деҳқончиликдан келадиган даромад ташкил этади. Лекин, қишлоқ аҳлининг ўзи ҳам қараб тургани йўқ. Ўтган йили бу ерда ҳашар йўли билан янги врачлик тиббиёт маскани қуриб битказилди. 15-ўрта мактаб тўлиқ газлаштирилди. 2001 йилдаги режалар аянда катта.

Туман ҳокими Алишер Гаппаров бошқарган йиғилишда ана шулар тўғрисида гапирилди. Мулоқот иштирокчиси Тошкент Аграр университетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Абдуворис Қориевнинг Республикамиз Президенти томонидан «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш 2000 йил аяқлари ҳамда 2001 йилда иқтисодларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари» масалаларига бағишланган Ва-зирлар Маҳкамаси мажлисида қишлоқ ҳўжалиги ходимлари олдида қўйилган вазибалар тўғрисидаги маърузасини ҳам йиғилганлар қизиқиш билан

тингладилар. Ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида бир қатор янги мавзулар олиб қилинишни сўрадилар. Бир сўз билан айтганда, дала шийпониди бўлиб ўтган очик мулоқот давомида ҳар ким ўзининг фикрини эркин билдирди.

...Чор-атрофдаги ям-яшил галлазорлар, плёнка остига қадалган чигитнинг уний чиккан ниҳоли, ободончи-лик, янги пайдо бўлган бог-роғлар... Шу кунни биз Юқоричириқ туманида ана шундай манзараларнинг гувоҳи бўлдик. Бу истиқлолни асраб-авайлаётган, она-Ватанга шукроналик айтаётган, ўз мустақиллигининг, она юртининг салоҳиятидан қувониб яшаб, меҳнат қилаётган деҳқон, богбон ва галлакорларимиз меҳнати-нинг махсули. Улар эртанги кунга ана шундай ишонч ва собитқадамлик билан бор-моқда. Дала шийпониди бўлиб ўтган мулоқотдан олган энг катта таассуротларимиз шу бўлди, назаримизда. Чунки, биз ана шундай янгилишни, яратиш жараёнининг эгалари, қаҳрамонлари билан юзма-юз бўлдик.

Ўз мухбиримиз.
СУРАТЛАРДА: Аҳмад Яссавий номли ширкат ҳўжалигининг 11-бригадаси дала шийпониди бўлиб ўтган мулоқотдан лавҳалар.
Даврон АҲМАД СУРАТЛАРИ.



ҳаракат қилмоқдалар.

2001 йил пахта ҳосили учун чигитни экиш масумидида вилоятимизда дала меҳнаткашларига тиббий ёрдам кўрсатиш, маданий-маърифий тадбирлар уюш-тириш юзасидан вилоятимизда саъй-ҳаракат кўрсати-лаётганлиги ҳам хайрли иш бўлди. Айни кунларда барча туманларда бевосита дала шийпонларида ана шундай ижодий учрашулар, мада-

йиллик байра-мига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Қишлоқ аҳлининг нияти биринчи навбатда пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларидан юқори ва сифат-ли ҳосил олиш. Зеро, эртанги ободончилик,



КўКЛАМИНИНГ КЎРКАМЛИГИ ЭЛА БИЛАН

БАҲОР айни чирой очаётган ҳозир-ги даламларда қаерда бўлманг, одамларнинг эр-ғайрат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётганликлари, экин-тикин ишларини авж олдириб юборишдан олдин Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ободонлаштириш ва кўклармаларни яратиш ишларини тезроқ ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қилаётганликларини гувоҳи бўласиз. Охганорлар туманида олиб борилаётган ишлар ҳам бунга мисолдир.

Авалло тадбир ишлаб чиқилди, — дейди Собир Раҳимов номли ширкат ҳўжалиги раиси Соғлом Болашов. — Худудларимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олдик. Бу тадбирларни бажарувчилар ва ишининг бориши, ташкил этилишини назорат қилувчилар тайинланди. Улар ўз вазифаларини сардакот билан бажармоқдалар. Биринчи навбатда ариқлар сув равои оқадиган қилиб тозаланди. Ангрен ўрмон ҳўжалигидан 1370га мевали ва манзарали дархат кўчатлари келтирилиб, катта йўл ёқалари, ариқ бўйлари ва аҳоли гажув жойлардаги майдон чекка-ларига экилди. Хайрли тадбирни ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишда қишлоқдаги таним-жон соҳар бир киши қатнашди. Биз янги кўчат экиш билан бирга илгари экилган ва тутиб кетган кўчатлар қай аҳволдадиганини ҳам бирма-бир текширдик. Парваришлаш, озиклантириш, дархат таналарини оқлаш ишларига ҳам катта эътибор берилди. Бу умумхалқ ҳашарида А. Урозраев, Ш. Комилов, Б. Шамиев сингари ишчилар, айниқса ғайрат кўрсатиб, ўз тенгдошларига намуна бўлдилар.

Кўклармаларни амалга оширишда уй бекалари ҳам фаол қатнашдилар. Улар энг аввало ўзлари истиқомат қиладиган хонадонларнинг олдиларини тозалаш, саранжом-саримта қилиб қўйиш, мевали дархат билан бирга ҳар қил қўчатларини ўтказишга алоҳида эътибор бердилар.

Наврўз байрами саховат, мурувват, меҳр-оқибат байрамидир. Бунини «Ангрен» ҳўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Мутасаддиларнинг ташаббуси билан ҳар йилгидек бу йил ҳам тоғирларни, бокучисини йўқотган отахон-онахонлар бирма-бир зиёрат қилинди, етимларнинг боши силанди, уларга совға-саломлар улашилди.

Кўклармаларнинг кўркамлигидан дили яйраб, саховатдан, мурувватдан кўнгли тоғдек кўтарилиб, қайфи чо бўлган деҳқонлар янги ният ва ғайрат билан далаларда, бог-роғларда ишларни бошлаб юбордилар. Демакки, улар етиштирадиган моддий бойлик — бу йил ҳам баракали ва салмоқли бўлади.

Тош ШЕРАЛИЕВ.

ЎТГАН йилнинг октябрь ойи охирлари эди. Бирорта илгор фермер ҳақида мақола ёзиш мақсадида Тошкент туманида бордим. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидаги мутасаддилар Фуломмахмуд Абдуллаев номли ширкат ҳўжалигида чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган Бахтиёр Ёқубов бошлиқ фермер ҳўжалигига боришни тавсия этишди.

Айтишларича, бор экан. Лекин, фермер ҳўжалигининг шундоқкича ёнгинасида жойлашган ҳўжалик фермасидаги аҳвол гоятда ачинарли эди. Бу ҳақда ёзмаслик вийдонга хилоф иш бўларди.

Қолаверса, халқимизнинг дўст ачитиб гапирди, деган нақли ҳам бор. Ахир мен янги билардим: раис Илхом Маҳмамовнинг ораулини кўп, режалари катта эди. «Деҳқон меҳнатига яраша манфаат кўрсин, боисин, тўй қилсин, иморат қурсин!» Шунда мен хурсанд бўлман. Фермага келсак, жуда бўлмаганда унинг ҳозирги кўрсаткичларини ушлаб туришимиз шарт», деганди у. Хатто, раиснинг бу гапларини сарлавҳага чиқариб, ҳўжаликдан мақола ёзганим. Нима бўлди? Нега режалар амалга ошмади? Ферма инки-розга юз тутишининг боиси нимада? Газетамизнинг 4 ноябрь сониди эълон қилинган «Машаланинг сўниши» сарлавҳали мақолада бу саволларга имкон қадар жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Шуни айтиш керакки, мақола ўша куннинг ўзидаёқ туман ҳокимлигида муҳокама қилинди, асосли деб топилди, шойлиқ чора-тадбирлар белгиланди, амалга оширишга киришилди. Билиб чиққан жавоб ҳатида бу тадбирлар нима-лардан иборат эканлиги батафсил кўрсатилган эди.

Мана ўшандан таъсир орадан тўрт ой вақт ўтди. Танқид таъсир қилдимки, фермада қандай ижобий ўзгаришлар рўй берди? Яқинда ҳўжаликда бўлганимда шу масала билан ҳикоятимизга жазм этдим. Лекин, бир нарса аён эди. Ёзувчи қанчалик ҳақ бўлмасин, барибир айрим раҳбарлар, мутасаддилар ёқимрайдилар, ҳафа бўладилар, муҳбирдан ўзларини олиб қочадилар ёки бўлмаса рўйиш бермайдилар. Бунини тушуна бўлади: танқид сарғе эмаски, уни нонга суртиб ейилсин.

Лекин, янгилишган эканман. Раис самимий, очик чеҳра билан кутиб олди.

— Очиги, — деди у, — фермаимиз жар ёқасига келиб қолган экан, билмадим. Газета бизга жуда катта ва ҳолисона ёрдам берди. Ҳозир фермадаги ишлар анча изга тушиб қолди.

Бу гаплар юракдан айтилаётганлигидан хурсанд бўлдим ва эринмай ферманга айлана бошладим. Мақолада таъкидланганидек, «тўқилиб-сочилиб» турган молхона ва бошқа иншоотлар таъмирланиб, оқлаиб, анча эпаккага келтириб қўйилибди.

Биз ўша бордан кунимизда электр қуввати йўқлигидан озунча қиш ишлайишга эришдик. Ҳозир турлилаб ишлаб турибди. Сенаж, беда, пичан, сомон қайта ишлайиш, машиналарга юкланмоқда. Молларга беришдан олдин бу ишланмага барда, шелуха, қунжара ва бошқа витаминлар қўйилади. Ҳа, айтганидек, танқидий мақолада иккита трансформатордан биттаси аранг ишлаб турганилиги, у ҳам вақти-вақти билан бузилиб қолиши айтилганди. Эндликда иккита трансформатор ҳам таъмирланиб, яроқли ҳолга келтирилиб, ишга

ҚОРЛАР ЭРИБ, МУЗЛАР КЎЧДИ

Ёки Тошкент туманидаги Фуломмахмуд Абдуллаев номли ширкат ҳўжалигидан ёзилган танқидий мақоладан сўнг фермада қандай ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги ҳақида

гаплари ёдимга келди:

— Бир вақтлар чигитни қайта ишлайдиган заводлар чорвадорларга сувсиз, қуруқ шелухани етказиб берадилар. Бугунга қадар қуруқ бўлса ёнгина чика-дик, деган баҳона билан шелухани батамом сувга бўктириб сотмоқдалар. Бундай шелухани ҳўжаликда узок сақлаб бўлмайди, чириб мол емайдиган ҳолга келади. Шу ҳисобга ҳам чорвадорлар тона-тона гўшт етиштириш имкония-тидан маҳрум бўлмоқдалар.

— Узоққа бормайлик, — деди ҳамроҳлардан бири. — Кеча бир фермернинг олдида борганимда тиркамда шелуха олиб келган экан, суви оқиб ётибди. 8 тоналга ҳақ олибди. Агар қуруқ бўлса 2 тоналдан ортиқ чиқмасди. Ахир бу қандай инсофсизлик! Чорвадорни қўмичда қопиш эмасми?

— Бу катта муаммо, — дейман унинг гапига жавобан, — мутасаддилар уни, албатта, хал қилишлари керак.

Ферманга айланмишда давом этдимиз. Бу ерга арава ва бокчаларда сув келтириш барҳам топилди. Ичмлик тоза сув қуёвур тармоғи орқали фермага ҳам олиб кирилибди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ферманнинг ичи ва унинг ён-атрофларини тозалаш, ободонлаштиришга ҳам эътибор қўйирилган. Чикалазорга айланиб қолган бог эгалик бўлибди. Уни богбон Бахтиёр Хожиевга бириктириб қўйишди. У

бош сонига қараб эмас, тозаланик қандай ривож қилаётганлиги, озукани таший, молларга едирш жараёнида инсофгарчиликка йўл қўймаётганлиги, энг муҳими молларни қай даражада семирти-раётганлиги, олинаётган бузқоннинг соғ-ломлигига қараб ҳақ берилди.

Хуллас, сўт соғувчиларнинг айни кунлардаги ўртача ойлик маоши 15-25 минг сўм, молбокларнинг ойлиги хатто, 50-60 минг сўмгача бормоқда. Шунга яраша чорвадорлар ҳам астойдил ва иш-тўқ билан меҳнат қила бошладилар.

Айни кунларда фермадаги мавжуд сугирлардан кунига 850-900 литрга яқин сўт соғиб олинмоқда. Бош сонига тақ-симланганда 6-7 литрга кўйиш кераки. Давлатга 410 тона сўт сотиш режаси белгиланган. Шу ҳисобдан биринчи чоракда салкам 110 тоналга яқин сўт сотилди. Молларнинг оғзи қўққа теккан, соғин 8-10 литрга чиқди. Демак, йил-лик режани ортиқ билан бажариш учун ҳамма имконият бор.

Лекин ҳозирги қўрсаткичлар албатта, чегара бўлолмайдик, деб айтишди чорвадорлар. Шу мақсадда ҳўжаликда озунча базасини мустаҳкамлаш чора-тад-бирлари қўрилмоқда. Ўтган йили 121 гектар ерда озунча экинлари етиштирил-ган эди. Бу йил 152 гектарга етказил-ди. 30 гектар майдонда янги бездор барпо этилди. 50 гектар ерда макжаз-хори ўстирилади, 40 гектарлик эски бе-

Танқид таъсир қилдими?

зудлик билан ишга киришди, мевали да-рахтларнинг яроқсизлари олиб ташла-ниб, ўрнига янгидаг қўчат экилди, шакл берилди.

Ферма ичидида 30-40 сотих ер қаров-сиз, ташландик бўлиб ётганди. Бу ер чикиндилардан тозаланди, ҳайдалди, ўйиланди, сабзавот етиштиришга ки-ришилди. Олинадиган ҳосил чорвадор-ларнинг эҳтиёжи учун ишлатилди.

Ҳар кунни тушиқда ҳўжалик ҳисоби-дан иссиқ овқат қилиб бериш қатъий йўлга қўйилди. Чорвадорлар ойлик ма-ошларини ўз вақтида оладиган бўлди-лар. Чунки, манфаатдорлиқни ошириш бўйича янги тадбир қўрилди. Соғувчи-ларга илгари ҳар литрга тўрт сўмдан тўланарди. Ҳозир беш сўм берилмоқда. Молбокларга беш қатгина бириктилган

дазорга ҳам алоҳида қаралмоқда. Барча агротехника тадбирлари сифатли амал-га оширилиб, мумкин қадар юқори ҳосил олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

— Ўзимизда етиштириладиган озунча ферманинг эҳтиёжини 70 фоиз қоплай-ди, — деб айтишди. — Қолгани четдан тайёрланади. Лекин биз имконият из-лашни давом эттирамиз. Келишиб ол-дик, бугун ўриб олингандан сўнг бўша-ган ерининг 100 гектарига қўқпоа учун макжазхори экилади. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мутасаддилари билан ҳам шартлашди. 60 гектар май-дондаги бедасини ўриб, саранжомлаб беришни зиммасига олдик. Шу ҳисоб-га ҳосилининг тенг ярмини бизга бера-дилар. Ана шулар ҳисобига фермаимиз учун зарур озукани 50 фоиз ўзимиз тай-ёрлашимиз мумкин экан. Бу албатта, янги. Махсуслот танҳарис анча арзонга тушди.

Ҳозирги кунда фермада соғиб оли-наётган бир литр сутнинг танҳарис ўрта-ча 70 сўмга, борингик, баъзи қўчаларда 80-90 сўмга чиқishi мумкин. Бир кунда эса 900 литрга яқин сўт соғилди. Ана энди жўнроқ бўлса ҳам ҳисоблайлик. Агар бир литр сўт 125 сўмдан, балки 150 сўмдан сотиладиган бўлса, кунига 50 минг сўм соғ фойда қўрилади. Агар бу пул олинга, йилгига қўйилтирилса сўт-дан олинадиган соғ фойда 6 миллион сўмга етади. Бунга сотиладиган гўшт, ёш таначаларни сотиш ҳисобига олинди-ган соғ фойда қўйилса, чорвачиликда-ги йиллик соғ фойда 9-10 миллион сўмга етиши мумкин. Махсусдолнинг ор-тиб, сифати яхшиланиб борган сари, табиийки, даромад ҳам кўпайиб боради.

Бу ўзгаришлар, эришялаётган ижобий натижаларнинг ҳаммаси ҳўжалик раҳбар-ларининг чорвачиликда бутунлай янгича муносабатда бўла бошлаганликлари, ферманинг аввалги шўхратини тиклашга астойдил киришганларини кўрсатиб ту-рибди.

Фермадан қайтган, бошқа тармоқдаги ишлар билан ҳам қизиқдим. Консерва заводи биринчи махсуслот — тоқ баргини консервалашга барча зарур воситалар-ни шай қилиб қўймоқда. Музохона, ом-борхоналар ишга туширилмоқда. Шир-катнинг амалда жорий этилиши учун оливалый пудратчилар билан юзма-юз учрашиб, суҳбатлашди. Режалар биз-лан танишилди, мулоҳаза ва тақлифлар ҳисобга олинди. Ҳўжалик ҳар бир пул-ратига зарур шарт-шароитларни яра-ти берадиган бўлди. Пудратчилар ўз наватидида шартнома шартларини зиё-даси билан бажаришга сўз бердилар.

Хуллас, туман ҳокимлигининг раҳбар-лиги, ҳўжаликдаги катта-кичик мутасад-диларнинг ўз ишларига, бурчларига ҳозирги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлаётганликлари туфайли ҳўжаликдаги мураккаб вазият аста-секин барҳам топмоқда. Қорлар эриб, музлар қўча бошлади. Демак, ҳўжа-лик ақин йиллар ичидида ўзининг чорва-чилигида ҳам, далачиликда ҳам, одамлар-ни ижтимоий ҳимоя қилишда ҳам аввал-ги шўхратини тиклаб олади, деб умид қилиш учун асос бор.

Носир РИХСИНЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ДИҚҚАТ: «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Бугунги кунда мамла-катимиз йўлларида миллионлаб транспорт воситалари қатнаб, ки-шиларимиз оғирини енгил, ўзоғини яқин қилмоқда. Инсон ярат-ган бу мўъжизанинг қўлайликлари ҳисоб-сиздир. Лекин, унда оқилона фойдаланмас-лик қатор салбий оқибатларга олиб кели-ши ҳам мумкин. Транс-порт воситаларининг технологик ҳолати ва соғлиғи шулар жумла-сига қиради.

Бунга эришиш учун рес-публика миқёсида «Тоза ҳаво» тадбири бошланди. Унинг биринчи босқичи жо-рий йилнинг 10 апрелдан 10 майгача давом этади. Ви-лоят давлат автомобиль на-зорати бошқармаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нефтогазозора-ти» бошқармаси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар ушбу тадбирда қатнашмоқда.

Белгиланган режага муво-фиқ тадбирнинг ўтиши даво-мида автокорхоналар, авто-мобилларга техник хизмат кўрсатиш устанокларида, ёнилғи қуйиш тармоқларида атрофича қўриқ-текширув-лар уюштирилди. Унинг мо-ҳияти ва вазифалари юзаси-дан корхоналар, ташкилот-лар, ҳўжаликлар ва маҳалла-ларда суҳбатлар ташкил эти-лади.

Эл соғлиғи — юрт бойли-ги, дейди халқимиз. «Тоза ҳаво» тадбири ҳам бунга хиз-мат қилади. Шундай экан, унга вилоятимизнинг барча фуқаролари ўзларининг му-носиб улушларини қўшсалар айни муддао бўлади.

Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАН бош

Ибратнома

ИВГОГАРНИНГ ШИКОЯТИ

Шу кеча-кундузда ҳам орамизда онда-сонда бўлишига қарамай ивгогарларнинг учраб туриши ҳаммага аён. Нега улар йўқ жойдаги гапларни топиб, одамларни бир-бирига ёмон кўрсатиб қўяди, бирини-бирини гиж-гижлайди? Ўз аравасини ўзи тортиб, болачақасини дуо қилиб, Яратганининг шу кунларга етказганига шукр қилиб тинчгина яшаса нима қилар экан, дея ўйлаймиз. Уларнинг кўнгиллари кўмирдан ҳам қора, ниятлари бузуқ, кўролмаслик, ҳасад, бўғиллик доимий йўлдош эканини, биров бор бўлса жиз-

ганак бўлиб қовурилиб кетишини, биров бир амалга эга бўлса ҳаво етишмаётгандек бўғилиб қолишини назарга олсак, тинч яшаш, осуда ҳаёт кечириш улар учун дўзах азобидек қийин эканини тасаввур қилишимиз мумкин.

Қадим-қадим замонда ивгогарларнинг бир «до-дахўжаси» яшаган экан. У бир кун арз билан подшо қабулига борибди. Қўл қовуштириб сўз бошлади:

— Таксир, бир арз билан келдим.
— Арзингиз баён қил.
— Бир қўшим бор, ўзи жуда камбағал яшайди. Лекин, унинг иккита сиғири бор. Шу сиғирлар орқали

рўзгор тебратди. Сигир — оиланинг табиби деганларидек фарзандларнинг ҳаммаси соғлом, бақувват. Менинг фарзандларим эса касалдан чиқмайди.

— Қўшининг ўз кунини ўзи кўрса, сендан бир бурда нон сўрамаса, сенга оғирлиги тушмаса, бунинг нимаси ёмон?

— Ёмонлиги шундаки, сигир гўнларини тоқлари ва даракларининг тағига кўмади. Оладиган мева ҳосили меникидан икки-уч баробар ортқ.

— Сен ҳам сигир сотиб олақол ёки олишга қувватинг етмайди?

— Мен қўшимга қараганда анча бадавлат яшайман, ҳамма нарсаятарли, лекин сигир со-

тиб ололмайман.

— Майли ундай бўлса, подшолик ҳисобидан сенга иккита сигир совга қиламиз, маъқулми?

— Маъқулликка маъқул, лекин сигир аравага ўхшаган бир нарса эмаски, бир чеккада туриб челақ-челақ сут бераверса, унга емихашак керак.

— Ём-хашак ҳам бизнинг ҳисобимиздан бўлақолсин.

— Ём-хашак етказиб берганингиз билан уни ўз вақтида молларга бериш, сиғирларнинг тагини тозалаш, уни парвартиш қилиб туришининг ўзи бўладими?

— Ундай бўлса, сенинг учун битта хизматкор ҳам ажратамиз.

— Хизматкор ажратсангиз, уни озиқ-овқати, қий-

им-боши, ётар-турар жойи дегандек, менга катта таъвиш-ку!

— Хизматкор истикомат қиладиган битта уйни биз қуриб берамиз, уйни жиҳозлаймиз, ойлик иш ҳақини ҳам биз тўлаймиз. Келишдикми?

— У ҳолда қачонгача бировнинг қовоқ-тумшугига қараб кун кечиранман?

— Қандай тadbир қўласан сен хурсанд бўласан?

— Қўшимни зиндонга ташласангиз айти мудоао бўлар эди.

— Шу феъли-атворинг билан аслида қўшининг эмас, сени ўзинг зиндон экансан. Лекин, сени зиндонга ташламайман.

Худбинлик, текинхўрлик, инсофсизлик, номуссизлик, нодонлик, бахиллик, таъмағирлик, очкўзлик, ивгогарлик, ҳасадқўйлик каби хусусиятлар сенинг қон-қонингга сингиб кетган

экан. Яратганининг ўзи сенга диёнат бермаса, ўзинг инсофга келмасанг, бу хусусиятларининг инсон боласи тўғрилай олмайди. Бу хусусиятлар билан яшаш зиндон азобидан минг қарра оғирроқ. Сенга жазо тариқасида қўшининг иккита сиғирини тўртта қилиб бераман ва унинг турмуш тарзидан хабардор бўлиб тураман.

Халқ орасида кенг тарқалган «Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлма-санг, мен кафил», «Сахийнинг ҳайрига бахилнинг боши оғир», «Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам ҳам мева бермас» каби мақоллар бежиз тўқилмаган экан.

Убайдулла
АБДУЛЛАЕВ.

Бекажон

- ◆ Жундан тайёрланган буюмларнинг гижим бўлиб қолишини истамасангиз, чайғатнингизда сувга бир қошиқ туз ташлаб юборишни унутманг.
- ◆ Хонада ўсадиган ўсимликларнинг барглари доимо топ-тоза ярақлаб туришини хоҳлайсизми? Унда уларни ўсимлик ёғи ара-лаштирилган сувга ботириб олгандан кейин тоза пахта билан артинг.
- ◆ Ангоркадан тайёрланган чиройли ва кўкчам буюмларни қандай сақлаш керак? Бунинг учун аввало уларни қондаси билан ювиб, қуришиб, дазмонлаб сақлашни билди олинг. Ювганда сув хона ҳароратидан юқори бўлмаслиги керак. Сувга албатта, шампунь қўшиб юборинг. Махсус жун матолар учун тайёрланган кукун бўлса ҳам бўлаверади. Буюмни ҳеч қачон гижимлаб сикманг. Аксинча, енгилгина силкиб қўйқолинг. Дазмонлаганда ҳам гоётада эҳтиёт бўлинг.

Дока, яхшиси оқ сурп билан текислаганингиз мақсадга мувофиқ. Кийимларни шакафга оҳистагина, чиройли қилиб тахланг ёки осиб қўйинг. Кийишдан олдин бир мундтақсанини пастга қаратиб қўйсангиз, дарҳол «хурпаяди» қолади.

Матлуба
МАХМУДУЖАЕВА
тайёрлади.Ассалому алайкум,
ҳурматли редакция
ходимлари!

Мен шу кутлуб

Наврўз кунлари газетангиз саҳифалари орқали Тошкент вилоят кўз касалликлари нейрхирургия марказининг барча ходимларини умумхалқ байрами билан муоб-ракбод этишига ижозат берсангиз. Ўзим Анди-жон вилоятининг Пахтабод шаҳридаги Мустақиллик маҳалла-

ШИФОКОРЛАРГА
МИНГ ТАШАККУР

сида яшайман.

Иккинчи гуруҳ ногирониман. Шу йилнинг бошида чап кўзим кўрмай қолди. Док-торлар маслаҳатига кўра дардимга даво излаб Тошкентга бордим. Мени шу нейрхирургия мар-казига даволагани қабул қилиб олишди.

Қўли енгил шифо-кор Замира Худойбер-ганова кўзимни операция қилди. Эртаси кунгек ёруғ жаҳонни кўриб, дилим мунаввар бўлди.

Бош шифокор Зафар Сиддиқов, жарроҳ Замира Худойберганава,

Мамнуният

шифокор Воҳиджон Рўзқулов, навбатчи ҳамшира Ноила Коми-лова, фаррош Муҳаббат Раҳимова ва бошқа ходимларнинг меҳроқибати, ўз ишига садоқати туфайли қисқа муддатда давола-ниб, она шахримга бир олам қувонч билан қайтдим. Меҳрибон шифокорларимизга минг ташаккур.

Комилжон ТОЛИПОВ,
иккинчи гуруҳ
ногирони.

«ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА
КИРИТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Зоология институти олимлари фан ва техника давлат дастури доирасида самарали илмий изланишлар олиб бориб, республика тоғ экологик тизимида умуртқали ҳайвонлар биологик хил-ма-хиллигини муҳофаза қилишга оид дастурни амалга оширишда қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Бўстонлик туманида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қушларнинг 130га яқин тури аниқланди. Бу эса ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи туғилган қушлар ҳақида янги маълумотларни тўплаш имконини берди. Улар институти олимлари томонидан Халқаро ва Ўзбекистон «Қизил китоб»лари рўйхатига киритилди.

Ақбар АЛИЕВ.

Ўзингизни синанг

СОҲИБҚИРОННИНГ
ИБРАТЛИ СЎЗИ

Мазкур криптограммани тўғри ҳал қилсангиз, унда соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Тузук»ларида битилган ибратли гапларни билиб оласиз. Бошқотирмани ечиш учун очкичдан фойдаланиб, рақамларни берилган саволларга топишган жавоблар билан алмаштириш зарур:

1. Молия активларининг самарали йиғимини белгилаш — 15, 23, 19, 24, 10, 23, 2, 24, 19, 12.
2. Улугбек мис тангалари зарб этилган шаҳар

- 1, 23, 21, 2, 14, 21, 24, 5.
3. Бақувват, тўла — 22, 9, 17, 23, 11.
4. Маълум тартибда аҳолидан давлат фойдасига тўланадиган пул — 6, 23, 11, 24, 13.
5. Экспортга кредит бериш шаклларида бири — 18, 4, 3, 2, 24, 19, 12.
6. Кириш-чиқим — 16, 20, 8, 24, 10 — 7, 2, 20, 16, 24, 10.

Тузатчи Шавкат
ХИДОЯТОВ.

Газетамизнинг 21 март сонидида босилган муам-

монома ва чайноворнинг жавоблари:

ОЧКИЧ СЎЗЛАР: 1. Наъматак. 2. Сумалак. 3. Гулбе-

ор. 4. Эрам. 5. Ҳашар. 6. Хина. 7. Яйлов. 8. Дулана. 9. Боғ.

ХИҚМАТ: Ҳамишалиг таъкид этур эдим: қон бўлсангиз

да боғ ярат, гадой бўлсангиз да боғ ярат — бир кунмас бир

кун мевасини татирсан.

ЧАЙНОВОРД: 1. Шакарқамиш. 2. Шафтоли. 3. Исма-

лок. 4. Қўёш. 5. Шотут. 6. Тарик. 7. Қувонч. 8. Чучумома.

9. Амал. 10. Лайлак. 11. Камалак. 12. Куртак. 13. Карам. 14.

Мироб. 15. Бойчечак. 16. Карнайгул. 17. Лолақизгалдоқ. 18. Қантак.

19. Қураш.

Газетамизнинг 28 март сонидида босилган «Онажоним шеърят»

бошқотирмасынинг жавоблари:

1. «Булук». 2. «Қоракум». 3. Мисра. 4. «Аллома». 5. Афсона. 6.

«Алишер». 7. «Рухим». 8. «Муножот». 9. Тинчлик. 10. «Қалқигим». 11.

«Муаллим». 12. Муҳаббат. 13. Тошкент. 14. Талаба. 15. Айметов. 16.

Воҳидов. 17. Ватан. 18. «Номалум». 19. «Мактуб». 20. Бурхонов. 21.

Вьетнам. 22. Мен. 23. Некўз. 24. «Зиё». 25. «Ёлғизлик». 26. Китоб. 27.

Беруний. 28. Йигит. 29. «Тарбия». 30. «Яхмалак». 31. Кино. 32. «Отелло». 33. «Она-

жоним шеърят».



01 хабар қилади

Миробод туманида шу давр мобайнида 25та ёнғин қиёб, шундан 16таси аҳоли турар-жойларида содир бўлганлигини айтиш қийин. Бундай ёнғинлар электр симларининг қисқа туташуви, носоз асбоб-анжомлардан, газ ва иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш, уларнинг назоратсиз қолдирилиши оқибатида содир бўлмоқда. Сўзимиз исботи сифатида қуйидаги мисолларга мурожаат этамиз.

Миробод туманидаги Қўшқўприк кўчаси 28/9 уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлди. Бу уйнинг томи ёниб кетди. Шунингдек, Локомотив кўчасидаги 8-уйда бўлган ёнғиндан хонадон эгалари 80 минг сўм зарар кўришди. Рижов кўчасидаги 10-

уйда эса, газ иситиш мосламаларининг назоратсиз қолдирилиши оқибатида катта моддий зарар кўрилди. Фарғона йўли кўчасидаги 119/36 уйнинг биринчи хонадониди Л. Есимова электр иситиш мосламасидан нотўғри фойдаланиши оқибатида оғир тан жароҳати олди.

Бундай мисолларни кўлаб келтиришимиз мумкин. Ҳамшаҳарларимиз ақл-идрокларини ишга солиб, ёнғин хавфсизлиги чораларини кўришса, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдиришмаса, уларга газ ва электр мосламаларини ёқишни буюришмаса яхши бўларди.

Катталар эса, носоз электр анжомларини ўз вақтида қўздан кечириб, уларни тузатиб қўйишса,

эскирган электр симларини алмаштириб, газ иситиш мосламалари мўриларининг соз-носозлигини текшириб кўришса, ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ҳар қаерга ташламасалар, ҳовлиларни шох-шаббалардан тозалаб турсалар фойдадан холи бўлмасди.

Ҳамюртларимиз озгина бўлса-да, масъулият сезишса, ўзлари ва фарзандларининг ҳаётларини, пешона тери билан йиғилган мол-мулкларини ўт балосидан асраб қолган бўлардилар.

Аббос ИСМАТУЛЛАЕВ,
Миробод туманининг
муҳофаза
қилувчи 3-
ҳарбийлашган ёнғиндан
сақлаш бирикмаси
назоратчиси.



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 11-15 апрель кунлари пойтахтнинг ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб турсада, ёнғингарчилик қўзғилиши. Шамол қунайиб унинг тезлиги ҳар соғияда 15-20 метрга етди. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 10-15 даража илик, кундуз кунлари эса, 26-31 даража иссиқ бўлади. Ёмғир ёққан кунларда эса ҳарорат 18-23 даража илиқликни ташкил этади.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

БУ САФАР

РАҚИБЛАР КУЧЛИ

Бугун Ўзбекистон 10-миллий чемпионати олий табақасида тўп сураётган жомоалар бешинчи тур учрашувларини ўтказадилар.

Эътироф этиш керакки, бу йилги чемпионатнинг дастлабки учрашувлари нима учундир вилоятимиз вакиллари учун оғир кечмоқда. Ҳатто, мамлакат чемпиони «Дўстлик» ҳам тўрт турдан сўнг 6 очкога эга бўлди, холос. «Металлург»да тўртта, «Кимёгар»да учта, «Семург»да битта очко бор.

Бешинчи тур ҳам «Дўстлик»дан бошқа вакилларимиз учун оғир кечиши мумкин. Чунки, уларнинг рақиблари кучли. Масалан, «Семург» «Дўстлик»нинг, «Металлург» эса «Пахтакор»нинг (бу учрашув эртага ўтказилади) меҳмони бўлади. «Кимёгар» ўз май-дониди «Навбахор»ни қабул қилади.

«АКМАЛ» БЎШ
КЕЛМАЯПТИ

Вилоят футбол жомоалари 2001 йилнинг биллур соврини мусобақаларини бошлаб юбордилар. Биринчи босқичдаёқ ҳар бир учрашув кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтди.

Вилоят кубогининг нимчорак финали мусобақаларини Қиррай туманининг «Қиррай» ва Қуйичирчиқ туманининг «Шоликор» жомоалари, айниқса, қўтарики руҳда ўтказиб, ҳам рақиб, ҳам ўз майдонларида ишончли ғалабага эришдилар. «Қиррай» футболчилари Тошкент туманининг «Солиқчи» жомоасини икки ўйинда бир хил - 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

«Шоликор» эса «Тўйепа»ни 5:1 ва 2:0 ҳисобида енгиб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Окқўрғон туманининг

«Акмал» жомоаси «Цементчи» устидан 2:1 ва 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, навбатдаги босқичга чиқди.

Бу йилги мавсумда биринчи бор сафга қўшилган Тошкент туманидаги «Тошкент» ҳўжалиги футболчилари «Олмалик» жомоаси билан ўтказилган икки учрашув якунига кўра курашни тарк этди.

Навбатдаги босқичда «Қиррай» билан «Тўйепа» учрашуви 2:2 ҳисобида якунланди. «Олмалик» эса «Акмал»ни 4:3 ҳисобида енгди. Жавоб учрашувларини эртага ўтказиш мўлжалланган.

МАЙДОНДА МАҲАЛЛА
ФУТБОЛЧИЛАРИ

«Бекободцемент» очик турдаги ҳиссодорлик жамиятининг 75 йиллигига атаб 22та маҳалла терма жомоалари ўртасида шаҳар чемпионати ўтказилди.

Физкультурачи маҳалласи футболчилари ҳамма рақибларига нисбатан энг кўп очко тўплаб, биринчи ўрин ва 30 минг сўм пул мукофотини қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўрин, шунингдек, тегишлича 20 минг ва 15 минг сўмлик мукофотлар Собир Раҳимов ҳамда Шаҳар бозори маҳал-

лалари жомоаларига насиб этди. Ҳали босқичда жомоаларга фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари топширилди.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу мусобақа ташкилотчилари ҳар йили шаҳар биринчилигини ўтказишни аънаёнага айлантиришга қарор қилдилар.

Самад Йўлдош.

Тошкент шаҳар ҳисоблаш Маркази томонидан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасига 1995 йил 16 мартда берилган 1638-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотди, деб ҳисобланган.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси маъмурияти.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 40-ўрта мактаб томонидан Мирафзал Қосимов номига берилган UZA № 083636 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Улугбек қўрғониди дала ҳовли (6 сотих, икки қаватли уй) ва Шайхонтоҳур тумани Жарариқ мавзесидаги 5 хонага мослаштирилган 4 хонали уй

СОТИЛАДИ.

Тел: 116-91-47.

Собир Раҳимов туманидаги «ROSSI» хусусий фир-

маси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон қилган кундан бошлаб бир ой

давомида 48-51-69 рақамли телефон орқали қабул

қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят қишлоқ ва

сув ҳўжалиги бошқармаси жомоалари Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон

Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Туроп Хол-

товевга ўғли

КАМОЛИДДИННИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур

хамдардлик билдиради.

«Тошкент ҳақиқати» жомоаси тахририят ходими Мат-

луба Махмудхўжаева волидаи мухтарамаси

СОХИБАХОН АЯНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур хамдардлик

билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:

Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

Манзилнинг:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон
Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида
№ 8 рақам билан
рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лillarнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.